

уйғунлашиб кетади. Натижада талмеҳнинг Навоий салафлари ва замондошлари ижодида учрамайдиган янги кўринишининг гувоҳи бўламиз:

*Шоми ҳажрим шарҳи элни беҳуд этса, не ажаб,
Уйғу келтурмакдур хосияти афсонанинг*

ХМ.1. 348-ғазал.

Бадий санъатларни, хусусан, талмеҳ санъатини қўллашда Навоий ижодига хос яна бир хусусиятга урғу бермоқ керак. Бадий санъатлардаги изчил анъанавийлик кўп ҳолларда тематик маҳдудликни, бир ёқламаликни келтириб чиқаради. Ҳофиз Таниш Бухорий ана шундай ҳолдан ташвишланиб ёзган эди: «Баъзилар сўзни тарсе ва тажнис асосига қўядилар ва сўзнинг юзини шулар билан безайдилар. Натижада саҳни кенг бўлиши лозим бўлган сўзларда бир неча қадам босиб қайтилади. (Натижада) жиловни қўйиб юборилган баён отининг чавандози жавлон қилишга мажболи қолмайди ва гап майдонидаги чавандоз беихтиёр йиқилиб тушади» [1].

Алишер Навоий шунинг учун ҳам бадий санъатларни қўллашда бир қолипга тушиб қолиш, тахайюл ва тафаккур парвозини чеклаб қўйишнинг олдини олиш мақсадида, муайян санъатлардан нафақат ишқий-лирик кечинмалар баёнида, балки ахлоқий-фалсафий, ижтимоий-маънавий, қолаверса, рухий-биографик қарашлар ва ҳолатлар ифодасида ҳам фойдаланади. Бу ҳол унинг лирик мерос асрлардан буён маҳорат мактаби бўлиб келаётганининг етакчи омилларидан биридир.

АДАБИЁТЛАР

[1]. Ҳофиз Таниш ибн Мир Муҳаммад Бухорий. Абдулланом. (Шарафномаи Шохий). 1-жилд. Т.: «Фан» нашриёти, 1966., 48-б.

Ўзбек адабиётшунослиги кафедраси.

Қабул қилинган:
08.06.2005.

УДК: 398.2 (қ512.1).

ҚАРҒИШЛАРДА ЎЛИМ ИФОДАСИ

Д.Ўраева

В статье анализируются своеобразные особенности проклятия на тему смерти и их генетические основы, некоторые поэтические признаки, этапы развития.

In article is analyzed the peculiar features of damnation on the theme of death and their genetic bases, some poetic signs, stages of development.

Қадимги инсонлар сўзнинг магик қудратига ишонганлар. Яхши сўз эзгуликка, ёмон сўз эса ёвузликка етаклайди, деб ҳисоблаганлар. Шунинг учун халқ орасида "Яхши сўз - жон озиғи, ёмон сўз - бош қозиғи" деган мақол юради.

Ўзбек фольклори жанрлари орасида сўз сеҳрига асосланувчи махсус жанрлар бор. Улардан бири қарғишдир. Асосида инсонга ёмонлик, ўлим тилаш мақсади ётувчи ушбу жанр ўзбек фольклорининг мустақил, қадимий, анъанавий жанрларидан бири саналади.

"Қарғиш" атамаси қадимги туркча "қар" феъли [1] ўзагидан ясалган бўлиб, "қарға"- иккинчи шахс буйруқ майли қўшимчасини олган шаклда «йўлиқтир, лаънат ўқи» маъноларини ифода этади [2] ва халқ орасида "қарға +ш", "қарға +моқ", "қарға +н +моқ" шаклида ҳаракат номи кўринишларида учрайди. «Лаънат» сўзи арабча инсу жинс, шайтон сўзининг кўплиги бўлиб, лаънат ўқиш билан уларни сўз ёрдамида чақириш ҳаракати кўзда тутилади.

Қадимги туркий халқлар орасида қарғиш айтиш (лаънат ўқиш) билан ёвуз мифик мавжудотларга мурожаат этиб чақириш ва улар кўмагида бирор ёмонликни амалга ошириш ишончи мавжуд бўлган.

Қадимги турк қавмлари қарғишни жонли мифик мавжудот қиёфасида тасаввур қилишган. Шунинг учун унга нисбатан "тегади", "уради", "тутади", "ўтади" каби жонли ҳаракат номлари қўлланилади: "Жин ургур", "Алвастига

йўлиққур", "Балога дуч келгур" каби қарғишларда аجدодларимизнинг айнан мана шундай тасаввур-тушунчалари кўзга ташланади.

Қадимги турк тилида "қарға" феъли билан бир қаторда "қирға" феъли ҳам қўлланади. Лекин у кўпинча «сўкмоқ, [3] койимоқ, уришмоқ» маъноларига ишлатилади. Маҳмуд Қошғарийнинг "Девону луғотит турк" асарида "Ғазаб" - "қирғағ" сўзининг ҳам "қир" ўзгидан ясалгани эътироф этиб ўтилган [4].

Дарҳақиқат, халқ орасида қарғиш билан сўкиш бир-биридан фарқланади. Сўкишда киши шахси ҳақоратланади, холос. Бироқ қарғишларнинг мазмун-моҳияти, мақсади инсонга (баъзан жониворларга ҳам) ўлим, ёмонлик, кулфат, бахтсизлик тилашга қаратилган бўлади. Айниқса, қарғишларнинг каттагина қисми инсонга ўлим тилаш учун айтилиши жиҳатидан ажралиб туради. Буни ўзбек қарғишларини илмий жиҳатдан текширган Б.Саримсоқов ҳам алоҳида таъкидлайди [5].

Қарғишлар ҳажман қисқа, ихчам, мазмунан лўнда бўлади. Уларнинг ўзига хос келиб чиқиш тарихи, поэтикasi, бадий шакли, ифода усули мавжуд. Қарғишларнинг келиб чиқишига қадимги инсонларнинг сўзнинг сеҳр-жоду қудратидан кўрқиш ҳисси етарли асос бўлган. Қарғишларнинг айтилишига бирон-бир ижтимоий воқелик сабаб бўлади. Улар ҳеч қачон бесабаб айтилмайди. Айтайлик, қарғишлар бировдан қаттиқ ранжиганда, моддий ёки маънавий озор кўрганда жабрдийда томонидан жабр етказувчиларга қарата айтилади.

Қарғиш, асосан, катталар томонидан айтилади. Болалар қарғишни билмайди. Қарғиш, айниқса, аёллар ўртасида кўп учрайди.

Одамлар қарғиш олишдан ва қарғиш тегишидан жуда кўрқадилар. Хусусан, кекса кишидан, ота-онадан қарғиш олмаслик лозим ҳисобланади. Халқ орасида "Ота қарғиши-ўқ, она қарғиши-йўқ" деган мақол юради. Бундан англашиладики, ота-фарзанднинг дунёга келиши учун сабабчи. Фарзанд-отанинг пешона тери билан топган ноз-неъматларини еб камолга етади. Шундай экан, бола ота олдида донмо қарздор ва масъулдир. У отасини рози этиши фарз.

Шунинг учун фарзанд отадан қарғиш олмаслиги керак. Отанинг қарғиши тутади. Лекин она қарғиши фарзандни тутмайди. Чунки оналар ҳеч қачон боласини чин юракдан қарғамайди. Оналарнинг қарғиши тил учиди бўлади. Қолаверса, улар болани кўрак сути билан боққанлари сабабли ўша сут ҳар қандай қарғишларини кесармиш деган эътиқод ҳам мавжуд. Бундан кўринадики, қарғишлар уни йўлловчи субъектнинг ёшига, турмуш тажрибасига, руҳий ҳолати ва мақсадига, оиладаги мавқеига қараб икки хил бўлади: биринчиси-объектга ўтадиган (кишини тутадиган) бўлса, иккинчиси-объектга ўтмайдиган (тутмайдиган) қарғишдир. Объектга ўтадиган қарғишларга кексалар ва оталар, боқувчилар, мусофир ва ғариб кишилар қарғиши киради. Оналарнинг ҳамда бўлар-бўлмасга жанжал кўтарадиган оғзи шалоқ аёлларнинг қарғиши эса объектга ўтмайдиган қарғишлар турига мансубдир.

Қарғишлар кишининг ёшига қараб айтилади. Масалан, ёшлар гуноҳ қилганда, уларга қарата "Йигит ўлгур", "Қиз ўлгур", "Йигит бошинг (ёки ёш бошинг) гўрда чирисин", "Жувонмарг бўлгур", "Жувон ўлгур", "Қирчинингдан қийилгур", "Қўрчинингни қияй", "Қора сочинг тахтада таралсин" деган қарғишлар айтилса, қариб қуйилмаган кекса чоллар "Соқолинг гўрда чирисин" дея, кампирлар эса "Лачагинг лойга қорилсин" деб қарғалади.

Қарғишлар кишининг қилган айбига қараб танлаб айтилади. Масалан, баднафс, очкўз одамларга нисбатан "Еганинг қора тупроқ бўлсин" ёки "Қорнинг ёрилсин", "Еганинг тешиб чиқсин" деган қарғишлар айтилади. Бетгачопар, ғийбатчи, дилозор кишини "Тилинг узилиб ерга тушсин" ёки "Тилингни хаккалар чўқисин", "Оғзингдан қора қонинг оқсин", "Оғзингдан чиқиб, ёқангдан олсин" деб қарғайдилар. Жангари, муштумзўр кимсаларга "Бир жойда ўлиб, минг жойда саси" деган қарғиш қўлланилади. Ушбу қарғишлардаги мантиқий урғу олган сўз субъектнинг қайси кирдикори учун қарғиш олаётганлигини кўрсатиб туради. Айтайлик, "Тилинг узилиб ерга тушсин" қарғишида "тилинг"

сўзи мантикий урғу олган бўлиб, қарғиш олаётган кишининг ғийбатчи, гапчақар, дилозор, захар тилли эканлигини билдириб турибди.

"Қорнинг ёрилсин" қарғишидаги "қорнинг" сўзи орқали очкўз, еб тўймас, ғаламис кимса қаттиқ жазога раво кўрилганлигини англаш мумкин.

Айрим қарғишларда кишига ўлим тўппадан-тўғри, очиқ-ошкора тиланса, баъзиларида бу тилак метафорик ёки метанимик йўл билан ифода этилади. Бунда кўпинча ўлим тушунчаси қадимги аجدодларимизнинг мурдаларни дафн этиш маросимларига хос айрим белгилар, урф-одатлар, ибтидоий инсонларнинг у дунё билан боғлиқ қарашлари, анимистик ва тотемистик тасаввур-тушунчалари, марҳумга алоқадор предметлар номи орқали англатилади. Жумладан, мурдаларни ҳали ерга кўмиш маросимлари пайдо бўлмаган даврларда амалда бўлган айрим урф-одатлар баъзи қарғишлар таркибида аниқ, ёрқин сақланиб қолган бўлиб, улар орқали ўлим тушунчаси англашилиб туради. Масалан, "Жигарингни кучукларга қовуриб берай", "Ўштингни кучуклар титсин", "Миянгни қузғунлар чўқисин", "Ўштингни қузғунлар есин" каби қарғишларда қадимги даврларга хос дафн қилиш одати мурдаларни вафотидан сўнг уч кун ўтгач, махсус боқилган итларга ёки қушларга ем қилдириб, суягини этидан тозалатиш ва шундан сўнг ажралиб қолган суякларни "остадон" ёки "оссуарий" деб аталувчи маълум идишга солиб сақлаб қўйиш удумига ўзига хос ишора бор [6].

Қарғишларда сақланиб қолган бу тарихий далиллар халқ оғзаки ижодида ўлим тушунчасини поэтик талқин этиш йўлларини ўрганишда муҳим аҳамият касб этади. Бугунги кунда бу қарғишларнинг аксарияти инсон мурдасининг қаровсиз қолишига билдирилган ёмон истак мақсадида айтилади. Чунки мурданинг хор-зор этилиши унинг арвоҳи безовта бўлишига олиб келади. "Ўйинг куйсин", "Кулинг кўкка соврилсин" каби қарғишларнинг яратилишига ҳам дафн маросимлари билан боғлиқ маълум урф-одатлар етарли таъсир кўрсатган. Бинобарин, бу қарғишлар жасадни куйдириш ёки марҳумнинг тириклигида яшаган уйини ва унга тегишли бўлган рўзғор буюмларини нопок ҳисоблаб, ёқиб юбориш удумлари асосида келиб чиққан. Чунки нариги дунёга сафар қилган руҳнинг орқасига қайтиши беҳосият саналгани учун қадимда уни чалғитувчи турли талбирлар ўтказилган. Шулардан бири марҳумнинг тириклигида яшаган уйини ёқиб юбориш одати [7] бўлган. Шунинг учун "Ўйинг куйсин" қарғиши асосида кишига ўлим тилаш мақсади ётади. Хуллас, аксарият қарғишлар қадимги аجدодларимизнинг мурдаларини дафн этиш билан боғлиқ маросимлари таъсирида яратилган бўлиб, уларни ўрганиш нафақат Ўрта Осиёда яшовчи халқларнинг турмуш тарзи, дафн маросимлари ҳамда уларга алоқадор турли урф-одатларни билиб олишга, балки қарғиш жанрининг ҳам қадимийлигини белгилашда муҳим аҳамиятга эга.

Аксарият қарғишларда ўлим тушунчаси дафн маросимига алоқадор бўлган тобут, кафан, ювиш тахтаси каби предметлар номи орқали англатилади. Айтайлик, "Кафанингни ўзим бичай", "Кийганинг кафанлик бўлсин, топганинг тобутингга буюрсин", "Тобутингга тобуткаш бўлай" каби қарғишларда ўлим тушунчаси мурдаларгагина кийдириладиган охират қўйлаги-кафан ҳамда марҳумларни у дунёга, сўнгги манзилга узатиш воситаси ҳисобланган тобут номини тилга олиш орқали ифода этилади.

Мурдани сўнгги йқлга кузатишдан олдин уни поклаш мақсадида махсус тахта устига ётқизиб, ритуал ювинтирадилар. Бу тахта ўлим юз бермаган лаҳзаларда маҳалла ёки қабристон мачитида ёхуд мурдашўйлар - махсус ўлик ювувчи кишилар уйида сақланади. Ўликни ювиш билан боғлиқ воқелик "Тахтага тахт бўл" ёки "Тахтага олай" каби қарғишларнинг яратилишига асос бўлган.

Қарғишларда кишиларнинг у дунё билан бу дунё, яъни тириклар ва ўликлар олами мавжудлиги тўғрисидаги мифологик қарашлари ҳам ўз ифодасини топганлиги кузатилади. Масалан, "Пешонанг у дунё-бу дунё оқармасин" деган қарғишда аجدодларимизнинг олам тузилиши, ҳаётнинг абадийлиги, ўлимдан сўнг қайта тирилиш ҳақидаги қарашларининг изларини сезиш қийин эмас.

"Тўрингда тикан унсин" ёки "Тўргинанг очилиб қолсин" каби қарғишларда инсоннинг кўпроқ ўлимдан сўнгги ҳаёти тасаввур этилган. Унга кўра марҳум руҳининг беиззат этилиши туфайли озор чекиши, безовта бўлиши таъкидланади. Гўрда тикан униши- қабрнинг қаровсиз қолишига ишорадир.

Агар қарғаетган шахс ноҳақ бўлса, қарғиш қаратилган шахс дарҳол унга "Оғзингдан чиқиб, ёқангдан олсин" деб айтади ва бу билан қарғишнинг таъсирини синдириб, уни орқасига қайтаришга уринади. Бу қарғишларнинг тарихан маросим билан боғлиқ бўлганлигини кўрсатиб туради.

Ҳозирги пайтда кишиларнинг сўз магияси ҳамда қарғиш қудратига ишончи бир қадар сўнгган бўлса-да, лекин оилаларда ёш авлодни қарғиш олмасликка ўргатиб бориш анъанаси ҳалигача давом этиб келмоқда. Кишиларнинг маданияти ва маънавияти кундан-кунга ўсиб бораётган ҳозирги бир шароитда қарғиш айтиш қўпол туюлади. Чунки қарғишларнинг мазмуни киши руҳиятига кучли салбий таъсир кўрсатади. Шунинг учун ўзини маданиятли, маърифатли ҳисоблаган ҳар бир шахс қарғанишдан тийилиши шарт.

АДАБИЁТЛАР

[1]. Древнетюркский словарь. Л., 1969, -С.426.; [2]. Русча-ўзбекча луғат. Абдурахмонов Р.А. таърири остида. 50000 сўзлик. М., 1954, 663-б.; [3]. Древнетюркский словарь. Л., 1969, -С.445.; [4]. Маҳмуд Қошғарий. Девону луғотит турк. II том, 333-б.; [5]. Саримсоқов Б. Олқинш ва қарғишлар//Ўзбек фольклори очерклари. Т.т.1, 1988, 128-152-б.; [6]. Аширов А. "Авесто"дан мерос маросимлар. Т.: 2001, 20-21-б. [7]. Спеваковский А.Б. Духи, оборотни, демоны и божества айнов. Л., 1988, -С.152.

Бухоро Давлат университети.

Қабул қилинди:
08.04.2004.

УДК: 392.51.

СУРХОНДАРЁ ТҶҲИ МАРОСИМ ФОЛЬКЛОРИНING ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

М.Жўраев, Л.Худойқулова

В статье анализируются свадебные обряды и обычаи Сурхондарьи на основе фольклорных материалов.

The authors of the articles anality the historical literal Hatures of wediny ceremonies and songs of Surhandarya

Тўй маросимига оид илк қайдлар XI асрнинг улуғ тилшунос олими Маҳмуд Қошғарийнинг «Девону луғотит турк» асарида келтирилганлигини ҳисобга олсак, ўзбек тўй маросим фольклорининг тўпланиши ва ўрганилиши тарихи қарийб минг йиллик даврни ўз ичига қамраб олишига амин бўламиз. Ўзбек тўй маросимларига оид жанрларни тадқиқ этишда, айниқса, Алишер Навоийнинг «Мезон ул-авзон» асаридаги қуйидаги қайдлар ғоят муҳимдир: «яна «чинга» дурким, турк улуси зуфоф ва қиз кўчурув тўйларида ани айтурлар, ул сурудедур, бағоят муассир ва «ёр-ёр» лафзини радиф ўрнига мазкур қилурлар» [1]. «Чинга» атамаси никоҳ тўйида қиз-жувонлар йиғилишиб лапар, ўлан айтишадиган маросимнинг номи сифатида XX асрга қадар сақланиб қолганлиги [2] улуғ шоир асарларидаги бундай қайдлар этнофольклористик изланишлар учун ғоят муҳим манба вазифасини бажаришини кўрсатади.

Маълумки, мамлакатимизнинг ҳар бир вилояти ўзига хос этнофольклористик ареал сифатида алоҳида аҳамият касб этади. Ана шу жиҳатдан ғоят бой материаллар манбаи ҳисобланган Сурхондарё вилояти тўй маросим фольклори барча туманлар бўйича яхлит ҳолда тўпланмаган бўлса-да, Р.Мустафоқулов томонидан нашрга тайёрланган «Халқ педагогикаси сарчашмаси» [3] номли мажмуа ҳамда фольклоршунос Т.Турдиевнинг Денов туманидан ёзиб олиниб, чоп этирилган маросим қўшиқлари [4] бу борадаги илк изланишлар самараси ўлароқ муҳим аҳамият касб этади. Воҳа тўй маросим